



Комиллик йўлидаги муҳим восита

Президентимиз Ислам Каримов томонидан шу йил 5 майда қабул қилинган «Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарорда спорт билан шуғулланишнинг оммавийлигини ва болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларни юқори малакали, профессионал тренерлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, шу жумладан, хотин-қиз мураббийлар билан таъминлаш борасида муҳим вазифалар белги-ланган.

Мазкур қарор ижроси-ни таъминлаш, болалар спортини янада ривожлантириш, ўғил-қизларимизни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, болалар спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш мақсадида Тошкент шаҳрида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш мумкин, пойтахтимизда фаолият юритаётган 57 та болалар спорт объектлари орти ёшдан ўн сақиз ёшгача бўлган 120 мингга яқин ўғил-қиз доимий спорт ва жисмоний соғломлаштириш машғулотлари билан шуғулланмоқда.

Спортга энди қадам қўйган болаларда кўникма-



ларни тўғри шакллантириш, машғулотларни ташкил этиш, ўғил-қизларни спортга бўлган қизиқиши ва иштиёқини оширишда мураббий ва тренерларнинг ҳиссаси катта. Пойтахтимиздаги болалар

спорт мажмуаларига қатнашаётган болалар олий маълумотли ва спорт федерацияларининг махсус йўлланмасига эга мураббийлардан сабоқ олмоқдалар.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиалидан маълум қилишларича, қизларга хос спорт турларини оммавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, қизлар ўртасида бадий гимнастика жадал ривожланмоқ-

да. Қизларнинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилаётган спортнинг бу нафис тури билан 1500 нафарга яқин ўқувчи-қиз мунтазам шуғулланмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Бўритош МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асоси

Миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш жараёнида, аввало, унинг ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамлаши мамлакатнинг тараққиёт йўли, халқнинг тақдир ва келажагини белгилаб беради. Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида яратилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг туб моҳиятида ана шундай мақсад мужассам ва у амалда ўзининг юксак самараларини бераётганини бугун ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» деб номланган маърузасида бу алоҳида эътироф этилди. Эришаётган

муваффақиятларимизда 1992 йил декабрь ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этгани таъкидланди.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2010 йил 29 октябрь

№ 13

Тошкент шаҳри

Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида

Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қўра ҳар бир инсонга унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, жинсий эркинлик ва жинсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқ ҳимояси кафолатланган.

қилимиш ЖК 119-моддаси билан квалификация қилиниши керак. Бунда қонуннинг мазкур моддаси билан жинсий жавобгарлик бундай ҳаракатлар аёл жинсидаги шахсга нисбатан ҳам, эркак жинсидаги шахсга нисбатан ҳам содир этилганда келиб чиқади.

шикаст етказилиши тегишлича ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси диспозицияси билан қамраб олинган ва ЖК 105, 109-моддалари билан қўшимча квалификация қилиниши талаб этмайди. Агар номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш пайтида жабрланувчига оғир шикаст етказилса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси ва ЖК 104-моддасининг тегишли қисми мазмуни билан квалификация қилинади.

2. Номусга тегиш деганда (ЖК 118-моддаси), аёл жинсидаги шахс билан унинг эркинлик ва ҳарши ёки эркидан ташқари зўрлик ишлатиб, қўрқитиб (бундан буён матнда-таҳдид этиб) ёхуд жабрланувчининг оғир ҳолатидан фойдаланиб, табиий усулда жинсий алоқа қилиш тушунилиши лозим.

3. Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришда зўрлик ишлатиш деганда жабрланувчининг қаршичилигини енгишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, масалан, зарбалар бериш, нафас йўллариини сиқиш, оёқлари, қўллариини ушлаб туриш, кийимларини йиртиш ва ҳ.к.лар тушунилади.

4. Таҳдид этиш деганда жабрланувчининг қаршичилигини енгиш мақсадида уни жисмоний зўрлик ишлатиш нияти аниқлигини ифодаловчи ҳаракатлар ёки сўзлар билан қўрқитиш тушунилиши лозим.

Агар ўша ҳолатларда айбдорнинг ҳаракатлари жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга қаратилган бўлса,

Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш пайтида жабрланувчига енгил ёки ўртача оғир

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Қонун устуворлигини мустаҳкамлаш йўлида

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, унда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида бўлиб ўтган йиғилиш давлатимиз раҳбари томонидан суд органлари ходимлари олдига қўйилган вазифаларнинг ижросига бағишланди.

(Давоми иккинчи бетда)



Anjuman


Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизими демократик асосда шакллантирилди, жинсий-ҳуқуқий соҳа либераллаштирилди. 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жинсий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун асосида ярашув институти жорий этилгани инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан бир қаторда қонунчиликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим омил бўлаётир.

Ярашув институти

Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жинсий жавобгарликдан озод этилди.

Пойтахтимизда «Ярашув институти»нинг жиноят ҳуқуқида қўлланилиши: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзусида ташкил этилган халқаро анжуманда шу ҳақда гап борди. Унда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари масъул ходимлари, судьялар, адвокатлар ҳамда Швеция, Франция, Чехия, Исландия, Қозоғистон, Қирғи-



зистон, Тожикистон давлатларидан экспертлар иштирок этди.

(Давоми учинчи бетда)

Saboq

Солиқ мажбурияти

уни бажармаслик жавобгарликка сабаб бўлади

Амалдаги Солиқ кодексининг 34-моддасида «Солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти солиқ мажбурияти деб эътироф этилиши, солиқ мажбуриятини бажариш учун солиқ тўловчи солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаши ҳамда уни давлат солиқ хизмати идораларига тақдим этиши, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлиқ миқдорда тўлаши шарт»лиги қатъий белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, белгиланган солиқлар, йиғимлар, бож ёки бошқа тўловлар-

ни тўлашдан қасддан бўйин товлаш иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар сирасига қиради. Чунки солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мамлакатимизда бюджет сибсатининг барқарорлигини бузиб, бозор муносабатлари ривожланишига тўсқинлик қилади.

Судланувчи Бахтиёр Шербеков солиқ мажбуриятдан бўйин товлаб ана шу жиноятга қўл урди. Воқеани батафсилроқ баён этадиган бўлсак, Бахтиёр 2008 йилнинг март ойида қайинукаси Ш.Бозорбоев номига «Дадаш плюс» корхонасини очган.

(Давоми иккинчи бетда)

Insonparvarlik tamoyillari

Маълумки, кечиримлик, хато қилган одамнинг узрини қабул қилиш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш, хурмат-андиша сингари фазилатлар халқимизнинг табиатида хос азалий қадриятлардандир. Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган давр мобайнида муҳим саналар муносабати билан амнистия актини қабул қилиш ва ижросини таъминлаш анъана тусини олди. Республикаимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги арафасида ҳам Олий Мажлис Сенатининг III ялпи мажлисида Президентимиз тақдиминомасига қўра, амнистия акти қабул қилинди.

Эзгуликнинг умри боқий



Айтиш керакки, Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори жамиятимизда инсонпарварлик, халқпарварлик, бағрикенглик тамойиллари устувор эканлигини яна бир қарра исботлади. Бундай дейишимизга сабаб, ушбу ҳужжат кўплаб оилаларга ёруғлик олиб кирди, ташвишли кўнгиللар тасалли топди.

(Давоми тўртинчи бетда)

